

Мусобақа. (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3813

Ҳусний ғоятда яхши хулқли бола. Лекин, афсуски йўл ҳодисаси туфайли у кўзидан ажраган. У ўзига ишонар эди, ҳаётида бошқаларнинг кўмагига суянмасдан яшарди. Кўпинча у шаҳарга бир ўзи бориб, қишлоққа бир ўзи қайтар эди.

Ўша қишлоқда у билан мағрур, ўзига қаттиқ ишонган Муртазо исмли бола ҳам яшарди. Бир куни Муртазо масхаралаб Ҳуснийга шундай деди: Шаҳарга тушиб чиқишга мен билан мусобақалашасан-ми?! Ҳусний бу ишга жиддий эътибор бериб унга деди:

Бўлади. Аммо бу мусобақада мен ютиб чиқсам ўзингнинг чакмонингни менга берасан!

Муртазо бу шартга кулди ва масхаралаб деди: Агар сен ютиб чиқсанг чакмон сеники бўлади! Шунда Ҳусний иккинчи шартни айтди: Мусобақа вақтини мен белгилайман. Ҳуснийнинг бу мусобақани ҳеч қачон юта олмаслигига қаттиқ ишонган Муртазо унга шундай жавоб берди: Сен хоҳлаганингдек бу шартни ҳам қабул қилдим ва уни масхаралаб кулишда давом этди.

Шаҳарга ўрмон орқали бориш шарти билан мусобақани қоп-қора зулматли тунда бошлашди. Ҳуснийга қоп-қора тун бўладими ёки кун бўладими бу нарсанинг фарқи йўқ эди. Мусобақада у ўзиб кета бошлади. Аммо Муртазо эса ўрмонда йўлдан адашиб қолди, чуқурчаларга қоқилиб йиқилиб кета бошлади, дарахт шохлари юзларини тирнаб ташлади ва кўзига жароҳат етди. Ҳусний бўлса ярим соатдан сўнг шаҳарга етиб кела олди.

Агар бечора Муртазо Расулulloҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадиси-шарифларини эшитган бўлганида эди балки ўзини бундай тутмаган бўлар эди. У Зот шундай деб марҳамат қилган эдилар:

Буюк ва қудратли зот бўлмиш Аллоҳ менга бир-бирингизга ҳурматли бўлинглар ва бир-бирингизга мақтанманглар деб буюрди. (Муслим)